

Ishonch

2019 йил 1 октябрь • сешанба • № 121 (4250)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗГА МУНОСИБ ЎҒЛОНЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 27 сентябрдаги фармонида мувофиқ, Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 сентябрь кун

30 сентябрь кун

Президентимиз раислигида жорий йил 4 сентябрь кун

Ўтган қисқа вақтда спортчиларимиз бир неча турнирларда иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Хусусан, 14-22 сентябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган жонинг ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланган эди.

20-25 сентябрь кунлари Тошкентда дзюдо бўйича халқаро Гран-при турнири юқори савияда ўтказилди. Унда 71 мамлакат спортчилари 14 та вазн тоифасида қатнашди. Юртимиз терма жамоаси жами 6 та медал билан 2-ўринга сазовор бўлди.

6-22 сентябрь кунлари Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати спортчиларимиз учун янада муваффақиятли кечди. Саксонга яқин мамлакатдан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ғоят кескин беллашуларда терма жамоамиз 3 та олтин, 1 та кумуш ва 1 та бронза медални қўлга киритди. АҚШ, Куба, Россия, Қозоғистон, Англия, Ҳиндистон каби бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари

орда қолдириб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Жамоа сардори Баҳодир Жалолов чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси» деб эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, спортчиларимизни, уларнинг устоз ва мураббийларини, бутун халқимизни бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихий ғалабаси билан самимий табриклади.

Бўлиб ўтган самимий мулоқотда терма жамоамиз бокс бўйича етакчи давлатлар вакиллари орада қолдириб, якуний боксчида ғолибликни қўлга киритгани уларнинг нафақат жисмоний, балки руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам яхши тайёргарлик билан майдонга чиққани натижаси экани алоҳида таъкидланди.

Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд каби ҳеч қачон кураги ерга тегмаган буюк аجدодларимизга муносиб ўғлонларгина ана шундай улуг зафарларга қодир бўла олади. Сизлар миллий спортимиз тарихида янги ва ёрқин саҳифа очиб, жонажон Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини янада юксакларга кўтардингиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари учрашувда иштирок этган боксчиларимизнинг ота-оналарини алоҳида қўтлаб, улар мана шундай мард, мустақкам иродали, ватанпарвар фарзандларни вояга етказиб, кўпчиликка намуна бўлганларини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг 80 га яқин мамлакатидан энг кучли чарм қўлқоп усталари иштирок этган ва ғоят кескин курашлар остида ўтган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз энг юқори поғонага кўтарилгани улкан жасорат ва қаҳармонлик намунасидир. Бунинг учун зарур бўлган беқиёс куч-ғайрат, билим ва маҳорат, мустақкам ишонч манбаи аввало, Ватанимиз, олижаноб халқимиз, унинг шонли тарихи ва бой маънавияти, десак, асло муболага бўлмайди. Ана шундай буюк кучга таяниб, миллионлаб ёшларимиз юртимизни ҳар томонлама тараққий топтириш йўлида зўр ғайрат ва шижоат билан майдонга чиқмоқда, деди Президентимиз.

Маълумки, 2016 йил Бразилияда бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида ҳам боксчиларимиз ҳаммани қўйил қол-

дириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган эди. Эришилган бундай ютуқлар тасодифий эмаслигини, Ўзбекистон том маънода бокс мамлакатига айқиниб бораётганини миллий терма жамоамиз аъзолари яна бир бор бутун дунёга яққол намойён этди.

Бу ғалаба «Ўзбекистон бокс маълиби», «Ўзбекистон боксчилари» деган сўзларни жаҳон спорт тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйди. Энди Ўзбекистон боксчиларини, ўзбек бокс мактабини тан олган ҳам тан олади, тан олмаган ҳам тан олади. Энди «Ўзбекистон», «Ўзбекистонлик» деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга, хусусан, бокс соҳасига кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган зарур шароитлар рўёби, аввало, мана шундай ютуқларда кўринади. Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани, болаларимиз қалбида спортга меҳр уйғотишга алоҳида аҳамият берилётгани бу борада ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Айниқса, ҳурматли устоз ва мураббийлар меҳнати қадр топиб, уларнинг маъқеи ва мақоми ошиб бораётгани ютуқлар гарови бўлмоқда.

«Ёшлар – келажакимиз», «Бешта муҳим ташаббус», «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Обод марказ» каби дастурларнинг барчасида фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга, уларнинг спорт билан шуғулланишига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу ғалабанинг яна бир муҳим томони шундаки, у мамлакатимизда бошқа спорт турларининг ривожига ҳам қудратли туртки беради, ўз навбатида, ёшларни барча соҳаларда маррани баланд олиб, доимо ғалаба сари интилиб яшашга ўргатади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда терма жамоамиз қўлга киритган оламшумул ютуққа беқиёс ҳисса қўшган қаҳрамон боксчиларимизнинг ҳар бири ҳақида ғурур ва ифтихор билан фикр билдирилди.

Шаҳобиддин Зоиров бир қатор кучли рақибларни, хусусан, финалда Ҳиндистонлик машҳур боксчини енгиб, дастлабки олтин медални қўлга киритгани, Миразизбек Мирзахалилов финалда кубалик ўта кучли рақибни иккинчи раунддаёқ мағлуб этгани, алпомишлар юрти – Сурхондарё фарзанди, учинчи олтин медал соҳиби Баҳодир Жалолов ўта оғир

вазнда ҳам чемпион, ҳам чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси» деган эътирофга сазовор бўлгани, ёш, истеъдодли боксчимиз Дилшодбек Рўзметов бундай нуфузли мусобақада илк бор иштирок этганига қарамасдан, кумуш медални қўлга киритгани, бронза медалига сазовор бўлган Бобо-Усмон Ботиров ҳам жаҳон чемпионатида илк марта қатнашиб, фахрли натижага эришгани алоҳида таъкиланди.

Ийгилишда эришилган ғалабани таъминлашда мураббийлар таркиби, Бокс федерациясининг салмоқли ҳиссаси борлиги эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари кучли ва енгилмас жамоани тайёрлаш учун чинакам фидойилик кўрсатган, тўғри тактика танлаган ва пухта машғулотлар олиб борган Марат Қурбонов, Раҳматжон Рўзихонов, Тўлқин Қиличев, Истам Кабинов, Баҳодир Эркаев, Фаррух Қиличев каби мураббийларнинг хизматларини юқори баҳолаб, уларни чин дилдан табриклади.

Мулоқот давомида келаси йил Японияда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Ўзбекистон боксчилари катта ғалабани қўлга киритиб, бу борада мустақкам пойдевор яратганига алоҳида ургу берилди.

Жадал ривожланаётган, очик ва демократик мамлакатимиз ўзининг спорт соҳасидаги янги қиёфасини намойиш этиши учун бу Олимпиада жуда катта имкониятдир. Албатта, спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, профессионал маҳорати ва тажрибаси жуда муҳим. Лекин энг зарур жиҳати – бу Олимпия жамоамизнинг руҳий тайёргарлиги. Спортчининг ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, натижа ҳам шунча юқори бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Учрашувда Президентимиз томонидан боксини мактаблар, маҳаллалар, туманлар ва вилоятлар даражасида ривожлантириш юзасидан зарур шароитлар яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш, боксини умуммиллий спорт турига айлантириш юзасидан алоҳида дастур ва чора-тадбирлар қабул қилишга доир муҳим тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Маросимда бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи М.Қурбонов, жаҳон чемпионлари Б.Жалолов, М.Мирзахалилов ва бошқалар спортни ривожлантириш ҳамда спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

ЎЗА

Парламент юқори палатасида Олий Мажлис Сенатининг Регламент ва одоб комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

Инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамма нарсадан устун

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими, сенатор Шўхрат Ғаниевнинг ижтимоий тармоқларда тарқалган нутқи салбий эътирозларга сабаб бўлгани муҳокама қилинди.

Аввалроқ Фарғона вилояти ҳокими соқол, рўмол ва иш жойларида намозга қарши чиқиш, бунга бўйсунмаганларни қамаш билан таҳдид қилгани ёзилган аудио тарқалган эди. Ушбу фикрлар ижтимоий тармоқларда, турли сайтларда аҳолининг эътирозига сабаб бўлди. Комиссия аъзолари томонидан Шўхрат Ғаниевнинг ушбу хатти-ҳаракати кескин танқид қилиниб, қораланди. Қатъий чора қўриш сўралди.

– Халқимизда ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деган нақл бор. Фарғона вилояти ҳокими, сенатор Ш.Ғаниев маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари ва фаоллари иштирокида ўтказилган йиғилишда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказадиган, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган иборалардан фойдаланганлиги ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда, – деди сенатор Мақсуда Варисова. – Бунинг сенатор сифатида қаттиқ қоралайман. Ахир, гап рўмол ҳақида кетса, оналаримиз, мунис аёлларимиз, қизларимиз, келинларимиз доим рўмол боғлаб юришган. Инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланаётган шундай замонада бу фикрларни оқлаб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида депутат, сенатор одоб қоидасига қатъий риоя этиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга Сенатнинг 2017 йил 28 мартдаги тегишли қарори билан тасдиқланган

Сенат аъзоларининг одоби қоидаларига кўра сенатор ўз фаолиятида жамиятда умумий қабул қилинган ахлоқ-одоб принципларига қатъий риоя этиши, фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини ҳурмат қилиши, шунингдек, сенатор номига доғ туширадиган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши керак.

– Бу фикрлар мени аёл сифатида ларзага солди, – деди сенатор Гавҳар Алимова. – Бугунги кунда мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраш, урф-одатларимизни, анъаналаримизни сақлаш ва ривожлантириш, ёш авлодга етказиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Бунга мисол сифатида Қўқон шаҳрида ўтказилган Халқаро хунармандчилик фестивалини айтиш мумкин. Шунда опа-сингилларимиз чиройли миллий либосларда, қадриятларимизни олиб чиққани қанчалик ҳузур бағишлайди. Хотин-қизларга қаратилаётган эътибор эса ҳар доимидан кучли. Шундай пайтда ушбу фикрларни билдирган сенаторимизнинг хатти-ҳаракатини умуман оқламайман.

Фарғона вилояти ҳокими Шўхрат Ғаниев бунга қуйидагича изоҳ берди:

– Бугунги даврда инсон қадр-қиммати, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамма нарсадан устун. Ижтимоий тармоқларда тўғри муҳокама бўлган, айбимни тан оламан. Ота-онам, опа-сингилларим, фарзандларим ҳам миллий либосда кийинади. Мен ҳам уйда миллий либосда юраман. Уша мажлисда қуюшқондан чиқиб кетганман. Имконият берсангиз, хулоса қилиб, меҳнат қиламан.

Сенат комиссияси йиғилишида Фарғона вилояти ҳокими Шўхрат Ғаниевга қатъий огоҳлантириш ва 3 ой синов муддати берилди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири



Жаҳон чемпионлари муносиб тақдирланди

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида 6-22 сентябрь кунлари бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида шохсупаа кўтарилган мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

КУН НАФАСИ

«Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида «Андижон вилоятининг Бўз тумани номини Бўстон туманига ўзгартириш тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

«UzAuto Motors» компанияси кўплаб талаб ва истакларни инобатга олган ҳолда Ўқитувчи ва мураббийлар кун арафасида эълон қилинган акциядаги автомобиллар моделлари қаторини «Chevrolet Nexia» ва «Chevrolet Cobalt» автомобиллари билан тўлдирётгани ҳақида маълум қилди.

Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Варганза қишлоғида биринчи халқаро «Анор» агрофестивали бўлиб ўтмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистонни қалб кўзи-ла кўриб қувонаман

– дейди Касаба уюшмалари Федерацияси «Эҳтиром» нишони соҳиби Ҳурмат Матчанов

Хивалик ўқитувчилар Аҳмад ва Гулжон кенжа фарзандига яхши ният билан Ҳурмат деб исм қўйишди. Бироқ тақдир синовини қарангки, Ҳурматнинг кўзи кўрмай қолди. Ота-она уни Хивадаги кўзи оғирлар мактабига ўқишга беришди. Иқтидорли Ҳурмат бу ерда брайл ва қирилл алифбосини кунт билан ўрганди. Бундан ташқари, тор ва доира чалишнинг ҳам ҳадисини олди. Бадиий ҳаваскорлар тўғрисида аъзоси сифатида турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритди.



Касаба уюшмаси етакчилари



Жаҳон чемпионлари муносиб тақдирланди

41 Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбасари А.Раматов сўзга чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида Ўзбекистонда кўплаб спорт турлари каби бокс ҳам ёшлар ўртасида жадал ривожланаётганини таъкидлади. Шунингдек, бугунги кунда ўзбек бокс мактаби тарбияланувчилари спорт оламининг барча нуфузли мусобақалари — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Дарҳақиқат, бугун ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг эришаётган ютуқларини дунё эътироф этмоқда. Жумладан, Россияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 80 га яқин мамлакатдан келган 362 боксчи ўртасида ўзбек ўғлонлари ҳеч кимдан кам эмас ва кам бўлмаслигини исботлади.

Жаҳон чемпионатида 91 килограммдан ортиқ вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз Баҳодир Жалолов дастлабки жангда украиналик Цотне Рогани, чорак финалда америкалик Ричард Торресни биринчи раундда нокаутга учратди. Кескин ва мurosасиз ўтган ярим финал баҳсида боксчимиз россиялик Максим Бабанини енгни. Финал жангида Баҳодир азалий рақиби қозғистонлик Камшибек Конкабаевга ҳеч қандай имконият қолдирмади ва жаҳон чемпионлигини кўлга киритди.

Ўзининг ёрқин ғалабалари, рақиблирига бўлган ўзбекона ҳурмати билан ҳурмат қозongan жамоа сардори Баҳодир Жалолов мусобақа ташкилотчилари томонидан чемпионатнинг «Энг яхши боксчиси» деб топилди.

Шунингдек, дунё биринчилигида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Шаҳобиддин Зоиров (-52 кг), Мир-азизбек Мирзахалилов (-57 кг) ҳам барча рақиблирини енгниб, олтин медални кўлга киритди. Финалга қадар муваффақиятга эришган Дилшодбек Рўзметов (-81 кг) кумуш медалга, истеъдодли вақилимиз Бобо-Усмон Ботиров (-69 кг) бронза медалга сазовор бўлди.

Тақдирлаш маросимида бу спортчилар ва уларнинг мураббийлари Президент совғаси — пул мукофоти ва автомобиллар топширилди.

Жумладан, чемпионатнинг олтин медалини кўлга киритган ҳар бир боксчи 12 минг АҚШ доллари ва «Tracker» автомобили, кумуш медал соҳиби 6 минг АҚШ доллари ҳамда «Gentra» автомобили, бронза медал соҳибдори 3 минг АҚШ доллари ва «Nexia 3» автомобили билан тақдирланди.

Шунингдек, олтин медал соҳибдорлари мураббийлари 6 минг АҚШ доллари, кумуш медални кўлга киритган боксчимиз мураббийи 3 минг АҚШ доллари, бронза медалга сазовор бўлган спортчимиз мураббийи 1500 АҚШ доллари билан мукофотланди.

Президентимизнинг биз, спортчиларга билдираётган катта ишончи, мураббийларнинг маслаҳати ва кўлаб-қувватлаши жаҳон чемпионатидаги муваффақиятимизда асосий омил бўлди, — деди Б.Жалолов. — Давлатимиз раҳбарининг камтарона меҳнатларимизни юқори баҳолагани бизга янада куч-ғайрат бағишлайди. Шунингдек, давлат мукофоти билан тақдирланганимиз учун чин дилдан миннатдорлик билдирамиз. Олимпия ўйинларида ҳам мамлакатимизга олтин медални келтиришни ўз олдимизга мақсад қилганимиз.

Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

Самарқанд вилояти

Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти касаба уюшмалари Федерацияси делегацияси Самарқанд вилоятидаги касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик шартномаси доирасида бўлиб ўтган мулоқот ва тадбирлар мазмун-моҳиятан самарали кечди.

Қайд этиш лозимки, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари ижтимоий шериклик асосида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларини ҳар жиҳатдан тўлақонли муҳофаза этиб келмоқда. Келишув ва жамоа шартномалари ижроси 96 фоиздан зиёдга бажариб келинаётганини меҳмонлар алоҳида эътироф этишди. Ишлаб чиқаришда рўй бераётган турли хил кўнгилсизликларнинг қисқаришига эришилгани ҳам мамнуният билан тилга олинди. Зеро, кейинги уч йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ жароҳатланмиш уч баробарга камайган. Бу эса иш бевуқларнинг меҳнат муҳофазасига, жамоат назорати талабларига тобора катъийроқ амал қила бошлаганидан далолатдир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган уршувда кенгаш раиси С.Рафиқов делегация аъзоларига амалга оширилётган ишлар, келгуси эҳжалар хусусида батафсил маълумот берди. Шундан сўнг, Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти касаба уюшмалари Федерацияси ўртасида уч йилга мўлжалланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Уч йилга мўлжалланган шартнома имзоланди



Томонлар икки қадимий шаҳар ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, туризм, маданий алоқалар доирасидаги ишларни кучайтиришга келишиб олдилар.

— Кўхна ва навқирон Самарқанд сафаримизга алоҳида мазмун бахш этди, — дейди Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти касаба уюшмалари Федерацияси раиси, делегация раҳбари Владимир Дербин. — Мафтунокор бу гўша билан бизнинг диёр ўртасида тўғридан-тўғри авиапарвозлар

йўлга қўйилган. Бу ҳам ҳамкорликдаги ишларимизни ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Биз туризм, маданий ва меҳнат муҳофазаларида тажрибаларимизни умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги маданий мерос объектлари, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз аъзолари юқори натижаларга эришиб, ватанимизга ёрۇғ юз билан қайтишди.

Полвонларимиздан яна бир жаҳон рекорди

Мусобақаларда эркаклар ўртасида силтаб кўтаришда — 109 кг. вазнда Акбаржон Жўраев кумуш, аёллар ўртасида — 55 кг. вазнда Музаффар Набиева бронза медалларига эгалик қилишди. Эътиборли жиҳати, Акбаржон Жўраев даст ва силтаб кўтаришда қайд этган натижалари билан ёшлар ўртасидаги жаҳон рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

— Ушбу рекорд юртимизда спортга қаратилган эътибор на-

тижаси эканлигини ҳис қилиш менга фахр-ифтихор бағишлаб, келажакда янада юксак марраларга эришишга даъват этади, — дейди Акбаржон Жўраев ҳаяжонини яшира олмай.

Тошкент халқаро аэропортида оғир атлетикачиларимизни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси мутасаддилари, Оғир атлетика Федерацияси вакиллари ҳамда спортчиларнинг оила аъзолари, яқинлари қўлиб олишди. Полвонларимизга «Ушбу ғалаба 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз байроғини бундан-да баланд кўтаришларига мустаҳкам замин ҳозирлагани эътироф этилди.

Муҳаддас РАЗОҚОВА,
«ISHONCH»

41 Ўша кезлари мактаб 9 йиллик эди. Ҳурмат ота-онасига билимларини янада мустаҳкамлаш ниятини билдириб, Тошкентдаги кўзи оғирлар мактабига йўл олди. Бу ерда энг билимли ўқувчилардан бирига айланди. Математика, она тили ва адабиётдан ўтказилган фан олимпиадаларида ғолиб бўлди. Устозлари кўмагида брайлча нота ёзувини ўрганди. Мактабни муваффақиятли тамомлаб, олий ўқув юртига ҳужжат топширди. Лекин жиддий синовлардан бирига дуч келди. Унинг аттестатига қандайдир нуқта тушиб қолгани қабул комиссияси аъзоларида шубҳа уйғотди. Ҳамма баҳоси аъло бўлган абитуриентнинг ҳужжатини қалбаки деб топиди. Ҳужжатни қайта кўриб чиқиш эса анча вақт олди. Бу пайтда қабул мавсуми тугаган эди.

— «Ҳар ёмоннинг бир яхиси бор» деган гап юради халқ орасида, — дея хотирлайди Ҳурмат ака. — Хивадаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ишга кирдим. Бизга мактабда пояндоз тўқишни ҳам ўргатишган эди. Шу боис, комбинатда моҳир тўқувчига айландим. Лекин ниятимдан қайтмадим.

1974 йили Хоразм давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетига ўқишга кириб, уни имтиёзли диплом билан битирдим ва ўзим тахсил олган мактаб-интернатга ишга кирдим.

Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш осон эмас. Айниқса, махсус мактабда ишлашнинг масъулияти ўн чандон оғир. Муаллим, аввало, ҳаёт зулмат эмаслигини, нур аввало қалбда бўлишини ўқитириши, ўша нурни топишига ёрдам бериши зарур. Ҳурмат муаллимнинг мана шундай масъулияти вазифани зиммасига олганига қирқ бир йил бўляпти. Бугун шоғирдлари муаллимдан миннатдор. Уларнинг кўпчилиги ўқитувчи, моҳир созанда, хонанда, спортчи, уста ҳунарманд бўлиб етишди. Етти нафар шоғирди эса шу мактабда устоз билан бир сафда ишламоқда.

Ҳурмат муаллим ўттиз йилдан буюн musiқа фанидан ҳам сабоқ беради. Унинг ёрдамида

кўплаб болалар рубоб, доира чалишни, кўшиқ айтишни ўрганди. Устоз раҳбарлигидаги мактаб бадий ҳаваскорлик тўғрисидаги вилоятнинг танили ансамблларида бирига айланди. Шу сабабли мактабнинг собиқ ўқувчилари орасида маданият уйлари ходимлари, musiқа муаллимлари кўпчилиги ташкил қилди.

1987 йилда унга ҳамкасблари ишонч билдириб, мактаб бошланғич касаба уюшма кў-

ахборот технологияларидан фойдаланишни яхши ўзлаштирган. Дарс ўтишда кўргазмалар воситаларини кенг қўллайди. Эртақлар, ҳикоя ва шеърларнинг аудиоматнларини тайёрлашда унга фарзандлари яқин кўмақдош.

Давлат раҳбари халқимизни китобхонликка даъват қилгани мактаб-интернат жамоасини беҳад қувонтириб юборди. Ҳурмат ака фарзандлари, шоғирдлари билан юзлаб дурдона

олгани мутолаани қалб амрига айлантириган ўқувчилар сонининг янада ошишига туртки берди.

Ҳурмат Матчинов изланишдан чарчамайди. У тайёрлаган алифбони ўргатишда фойдаланишга мўлжалланган бўртма сурат ва матнлар жамланган альбом юртимиздаги турдош мактабларда оммалаштирилган.

Муаллим дарсларни замонавий услубларда

лари зарур жиҳозларни четдан буюртма бериб олишарди. Кейинги йилларда бу хизмат нимагадир тўтаб қолди. Мана, шу кунларда нархи 200 АҚШ доллари турувчи ер шарни харитасини ҳам хориждан олишга тўғри келяпти.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Хива шаҳар кенгаши аъзоси сифатида Ҳурмат Матчинов кенгаш фаолиятини янада яхшилашга, режада белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ижро қилинишига яқин кўмақдош. Тажрибали касабакўм етакчиси ёш ҳамкасбларидан ўз маслаҳат ва тавсияларини аямайди. Мана шундай фидойиликлари туфайли Ҳурмат Матчиновнинг кўксини «Шухрат» медал, «Соғлиқни сақлаш аълочилиси» кўкрак нишони безаб турибди.

Яқинда улар каторидан «Эҳтиром» нишони ҳам жой олди. «Устозлар — касаба уюшмалари эъзозидан» танловининг вилоят босқичида ғолиб чиққан Ҳурмат Матчиновни Тошкент шаҳрига, танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросимига чақиртирилганда қўлоқларига ишонмади.

Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театр эшигидан ичкари одимлар экан, бундан 47 йил бурун опера томоша тинглаш учун кирган дамларини эслади. Бу театрға яна ташриф буюришни орзу қиларди. Аммо унинг саҳнасига чиқаман деб ҳеч ўйламаган эди.

Шу ўринда «Устозлар — касаба уюшмалари эъзозидан» танловни нафақат ўқитувчиларнинг меҳнатини қадрлашга хизмат қилгани, балки бошланғич касаба уюшма кўмиталарининг нуфузини оширишга ҳам ўзига хос туртки бўлганини таъкидлаш жоиз.

— Мен юртимиздаги ҳар бир ўзгаришни, айниқса, устозларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътиборни, янгиланаётган Ўзбекистон манзараларини қалб сўзи билан кўриб, қувонаман, — дейди тажрибали устоз. — Бу эътибордан қаддимиз юксалмоқда.

Кўплаб ёшларни оёқда мустаҳкам туришга, ўз йўлини топиб юришга ўргатган, қанча қалбларни уйғотган Ҳурмат муаллим замонамиз қаҳрамонларидан биридир. У каби ўз касби, юртини севадиган, ҳалол ва фидойи ўқитувчилар бор экан, юртимиз тараққиёти янада жадаллашаваради.



Мухаббат ТУРАБОВЕВА,
«Ishonch»

Янгиланаётган Ўзбекистонни қалб кўзи-ла кўриб қувонаман

— дейди Касаба уюшмалари Федерацияси «Эҳтиром» нишони соҳиби Ҳурмат Матчинов

митаси раиси қилиб сайлашди. Муассасада жамоа шартномаси шартлари ҳар йили тўлиқ ижро қилинишига эришилади. 2016 йилда мактабнинг янги бинога кўчиб ўтишида касабакўм етакчисининг ҳис-саси катта. Ҳурмат ака узоқ йиллар давомида ушбу масала бўйича мутасадди идораларга мурожаат қилди.

Ниҳоят, Хивадаги 121-кўзи оғир болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернати учун 100 ўринли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳурмат ака бундан мамнун бўлгани ҳолда шароитларни янада яхшилаш юзасидан мутасаддиларга қатор таклифлар бермоқда. Чунки айни пайтда бу ерда 160 ўқувчи тахсил олаётгани учун мактаб биноси торлик қилмоқда. Кўргазмалар қуроллар билан таъминланиш ҳақидаги сўровларининг бир қисми ижобий ечим топди. Ҳозирда устоз компьютер синфи ташкил қилиш ниятида елиб-югурмоқда.

Кўзи оғир бўлишига қарамасдан Ҳурмат ака



асарларнинг аудиовариантларини тайёрлашга бош-қош бўлди. Китобхонликни тарғиб қилувчи тадбирлар, викториналар ўтказиш анианага айланди. Ўтган йили мактаб ўқувчиси Умиджон Қутлимуродовнинг «Ёш китобхон» республика танловида ғолиблар сафидан жой

ўтишни яхши кўради. Имкони етса, кўргазмалар қуролларни ўзи ясади, тайёрлайди. Қўлдан келмаганини сотиб олади. Баъзида бунга-да имконсиз қолган чоғларидида «Эҳ, қани эди мамлакатимизда кўз оғирлар учун мўлжалланган биттагина дўкон бўлса...», деб қўяди. Илгари-



ИХТИЁРИЙ ЭХТИЁЖ

– «Китоб – бойлик. Сотиб олингани эмас, ўқилгани». Ушбу ҳикматни қайси адиб айтган? Адабиёт муаллими Муҳиддин Холбековнинг салом-алиқдан кейинги илк саволи шу бўлди. Синфга бир муддат жимлик чўқди. Сўнг кимдир пичирлади.

– Устоз, китобхонлик, муталаа ҳақида кўпчилик адиблар фикр билдирган. Айнан қайси бири айтгани эса ёдимизда йўқ.

– Наҳотки, бутун синф билмасми?! – Ўқитувчи бошини сарак-сарак қилди. – Бу яхши эмас... Орқа партадан ҳаяжонли овоз эшитилди: – Асқад Мухтор!

– Жуда зўр, раҳмат, ўғлим, деган жавобни олар эдинг, агарки телефон титмаганингда. Биринчидан, дарсда телефон ишлатиш қатъий тақиқланади. Иккинчидан, бу ўз-ўзини алдаш. Ҳақиқий изланган одам, аввало, китоб муталааси билан шуғулланади. Ҳаётда бирор ютуққа эришаман, деган борки, миясини илм хазинаси билан тўлдирди.

– Уэр, устоз, – қизариб кетган йигитча телефонини сумкасига солди. – Энди қайтарилмайди.

Катта ҳаётий сабоқ олган болалар дарс тугади.


Зиё чашмалари

ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойишни имзолагани китобхонлик давлат даражасидаги аҳамиятга молик масала эканидан далолатдир. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшлар орасида китобхонликни оширишга қаратилган тадбирлар ва амалий ишлар ривожига янада кенг йўл очди.

Шунингдек, раҳбар ходимларнинг ўзлари ўқиган мактабларга китоблар совға қилиши йўлга қўйилгани ҳам ёш авлодни муталаага қизиқтириш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

– Ёшларнинг китобга бўлган муносабатини ўзгартириш учун, аввало, жамиятда ўқимишли инсонларнинг обрўси сарбалаб бўлиши лозим. Атрофдагилар унга муталаа туфайли муваффақиятга эришган инсон сифатида қараса, жамиятда ўз-ўзидан китобга бўлган муносабат ҳам юксалади, – дейди «Академнашр» нашриёти бош директори Санжар Назар. – Ҳар бир жамият ўзи учун муҳим деб билган мақсадларига эришиш режаларини аниқ ва тўғри қўя олиши лозим. Китобхонлик борасида ҳам бе-самар усуллари танлашдан эҳтиёт бўлишимиз керак, акс ҳолда, ёшларга акс таъсир кўрсатиб қўйишимиз ҳам мумкин.

Бугун катта эътибор билан мактабларга китоб совға қилиш, энг яхши китобхонларни автомашина билан рағбатлантириш каби усуллар орқали жамоатчиликка китобхонликнинг аҳамиятини таъсирчан тушунтиришга эришяпмиз. Жамиятнинг ўзида китоб ўқиш истаги, хожиши кузатилиши жараёни юзага келса, бу барчамизнинг ютуғимиз бўлишини ҳамиша ёдда тутайлик. Бунга эришиш учун эса, юқорида таъкидлаганимиздек, жамиятда ўқимишли инсон ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан юксак бўлиши



гаш билан бу гал одатдагидек интернет-кафега эмас, қалб амри билан кутубхона томон йўл олишди.

ҚУДРАТЛИ ВОСИТА

...АҚШнинг Йел университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, китоб муталаасини севадиган ва бу иш билан мунтазам шуғулланган кишилар бошқаларга нисбатан 2 йил кўпроқ умр кўрар, ҳафтасига уч ярим соатини ва ундан кўпроқ вақтини ўқишга сарфлайдиган кексаларда эса ўлим хавфи яқин 12 йилда бошқа қарияларга нисбатан 20 фоизга кам бўлар экан. Бу, албатта, китобхонликнинг биз билган-билмаган сирли таъсири туфайли, албатта. Маънавий-маърифий – инсон ички дунёси, руҳияти, билимининг бойишига кўрсатадиган таъсирининг эса таърифи йўқ.

Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўршлаштириб қўяди. Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради. Бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоб боқийликка дахлдордир. Бинобарин, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ...

Кейинги дарсда Муҳиддин муаллим бу фикрларни шундай қиройли тарзда етказиб бердики, болалар адабиётга ошно тутинишгани билмай қолишди.

КИТОБХОНЛАР ҚАЧОН КЎПАЯДИ?

Китобхонлик оиладаги муҳитга бевосита боғлиқ. Маърифатли оилаларда китобга эътибор фарзандлар тарбиясининг муҳим омили ҳисобланади. Уларнинг яхши кўнлари, туғилган саналарида энг орзули совға, бу – китобдир. Қизининг сепидан китоблар тахлами жой олган қанча-қанча оилалар бор ахир! Унутмайлик: қуш уясида кўрганини қилади, деганлари айна ҳақиқатдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 январда «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш

керак. Шунда ёшларимизда ўқишга қизиқиш ортиб, тарғиботларимиз икки ҳисса самара бера бошлайди.

АВВАЛ ЎЗИМИЗ ЎРНАК БЎЛАЙЛИК!

– Болаларни китобхонликка қизиқтиришнинг алоҳида методик усуллари бор, – дейди Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги 5-умумтаълим мактабининг оина тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назокат Намозова. – Кўп саҳифали, катта ва қалин китоблар уларни зерктириб қўйиши мумкинлигини ҳам унутмайлик. Аввалига, бошланғич синфда ўқиётган болалар рангли, расмли ва бир ярим-икки бетлик ҳикоялар жамланган китобларни ўқиганлари маъқул. Қолаверса, болалар учун китоб танлашда ёзувларнинг катта-кичиклигига эътибор қаратиш лозим. Тажрибадан маълумки, катта-катта, аниқ ва тиниқ ёзилган китоблар уларнинг қўзини ҳам тез толиқиб қолишдан асрайди.

Бундан ташқари, болага «Китоб ўқи, китоб ўқи» деявериш ҳам унчалик тўғри эмас. У билан биргаликда муталаа қилиш, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини таҳлил этиш, болага тўғри хулоса чиқаришни ўргатиш ва ёрдамлаштириш, ҳикоя асосида саволлар бериб, унинг жавобини рағбатлантиришгина қўзланган мақсадга ақинлаштиради. Ҳеч қачон «Бир соат китоб ўқисанг, кўчада ўйнашингга руҳсат бераман», дея нотўғри рағбат йўлини танламанг, бу болада китоб ўқиш зерикарли жараён сифатида таассурот қолдириши мумкин. Ва албатта, ота-оналар ўзлари мунтазам китоб ўқиши, ундан олган таассуротларини болалар билан баҳам кўриш орқали фарзандларига намуна бўлишлари керак.

МАМНУНЛИК ҲИССИ

...Орадан бир мунча вақт ўтди. Кейинги ўқув йилининг дастлабки қунида Муҳиддин Холбеков салом-алиқдан сўнг шундай сатрларни ёддан айта бошлади:

**Китобдин яхшироқ дўст йўқ жаҳонда.
Ғамхўринг бўлғай у ғамли замонда.
У билан танҳо қол, ҳеч бўлмас озор,
Жонингга юз роҳат беради тақрор.**

Ушбу мисралар кимнинг қаламига мансуб? Барча болалар қўлини баланд кўтариб, бир овоздан жавоб беришди:

– Абдураҳмон Жомий!

Йил давомида, қолаверса, ёз бўйи бир қатор китобларни ўқиган болалар ҳар қандай саволга жавоб беришга шай турганидан мамнун муаллим доскага илм мавзунини ёзди...

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
Зебо НАМОЗОВА,
«ISHONCH»

Ҳикмат

**Илмдан бир шуъла
дилга тушган он
Шунда билурсанким,
илм бепоён.**

Абдулқосим ФИРДАВСИЙ

Эълонлар

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва
фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон
уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори
ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг
кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой
билан таъминлаш мақсадида:**

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий
лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун
пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер
савдоларини эълон қилади
№ 2019-14**

**Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 30 сентябрь
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириг муддат:
Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг**

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;

1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтиладиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини қиритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Бунюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов таклифларини қиритишлари тақлиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва

тендер ҳужжатлари билан таъминлаш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент вилояти
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефон: (0 371) 241-15-37 Факс: (0 371) 241-15-26

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«_____ вилояти, _____ тумани, _____ массивидаги, _____ лот _____ та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тен-

Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнги муддати:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириг кун-

нида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Тошкент вилояти ҳокимияти
Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй
Телефон: +0 (371) 232-80-47 Факс: +0 (371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:					
Уй типлари	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб битирилган уйлар майдони м²
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар			Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га)		Таклифларни топширишни охириги муддати
				сони	хонадон	уй-рақами	сони	уй-рақами	
Тошкент вилояти			48	2	48				
573	Бекобод	«Истиқлол» МФЙ	24	1	24				2019 йил 31 октябрь 11:00
574	Бекобод	«Истиқлол» МФЙ	24	1	24				2019 йил 31 октябрь 11:00

Изоҳ: 1. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 24 август №103-104 (4233) сонидида «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари № 2019-12 даги Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги ер массивлари ўзгарганлиги сабабли № 558, ва 559 лотлардаги 48 та уйга берилган эълон бекор қилинади ва 563 лотдаги Мезон сўзи техник хато ёзилганлиги сабабли А.Ортиқов сўзи билан алмаштирилади.

2. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 24 август №103-104 (4233) сонидида «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари № 2019-12 даги 562 ва 563 лотлардаги 2019 йил 24 сентябрь 11:00 сўзлари 2019 йил 10 октябрь 11:00 деб тузатиб ўқилин.

Туманларнинг таклифларни топшириш соатлари эълонда кўрсатилганидек ўзгармасдан қолади.

Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 17.06.2019 йилда №734695 рақам билан рўйхатдан ўтган «DON TAYYORLOV» МЧЖ (СТИП: 306512172) тугатилади.

Андижон
вилояти


Андижон давлат университетига тез-тез бориб тураман. Нафақат вилоятда, балки республикада ҳам ўз ўрнига эга бу таълим даргоҳи остонасини ҳатлар эканман, сабоқ берган устозларим кўз ўнгимда гавдаланади: Офтобхон Холботирова, Галима Мусина, Сайфиддин Жалилов, Рустамбек Шамсутдинов, Одилхон Ниёзов... Бугун ҳам бу ерда ўз соҳасининг етук олимлари саналмиш Иброҳимжон Асқаров, Маъмуржон Саидхонов, Мўминжон Мамажонов каби инсонлар, Элёрбек Холмирзаев, Отабек Мухторов, Фаррух Йўлдошев сингари ёш авлод вакиллари устозлар изидан бораётир.

Академик ҳузурида

Яқинда ушбу масканга яна йўлим тушди. Бу гал Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби Сирожиiddин Зайнобиддинов билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Мулоқот давомида кўз ўнгимдан у кишининг босиб ўтган йўли бир-бир ўтди.

Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетидан бошланган олим илмий фаолиятининг харитаси, ҳатто, олис Францияга қадар етиб борди. «Олим бўлсанг, олам сеники», деганлари балки шудир?! Тошкентдан сўнг она шахрига қайтиб келган олим турли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилиб, алал-оқибат университет ректори лавозимига муносиб кўрилди.

Инсонга мансаб бериб сина, дейдилар. Устоз ҳар қанча юксалмасин, одамийлик мулкидан чекинмади. Шунинг учун ишида унум, ҳаётида ҳурмат-этибор қозонди, катта-ю кичикнинг қалбига йўл топди. Бугунги кунда университет «Қаттиқ жисмлар физикаси» кафедрасининг профессори Сирожиiddин Зайнобиддинов илмий ва ҳаётий бой тажрибалари-



дан ёшларни баҳраманд этиб келмоқда.

Олим ҳаётида сўнгги уч йил катта муваффақиятларга бой бўлди. Президентимиз ташаббуси билан қайтадан жонланган Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди. Ана шундан кейин белгиланган йўл харитасига мувофиқ, устоз чекка қишлоқлардаги мактабларга бориб, ёш иқтидорларни излаш, уларнинг келгусида комил инсон бўлиши учун очиқ мулоқотлар ўтказди. Бу борада унга университетдаги олимлар – Баҳодиржон Раҳмонов, Баҳодиржон Асқаров, Абдукарим Акбаров ҳамроҳлик қилди. Олим бу учрашувларни бевосита ўзи ўқиган мактабидан бошлаганида ҳам катта маъно мужассам, албатта. Олган таассуротларини маҳаллий ва республика матбуоти орқали ўр-

тоқлашди, радиоэшиттиришлар иштирокчисига айланди. Шу билан бирга, ҳаммуаллифликда уч тилли луғатни нашрга тайёрлаб, чоп эттирди. Нуфузли илмий кенгаш аъзоси сифатида, университетдаги ёш физик олимларнинг фалсафа доктори даражасини олишларида илмий раҳбар, расмий оппонент сифатида қатнашиб келаётир.

Андижон давлат университети талабалари нақадар бахтли! Чунки уларнинг Сирожиiddин акадек фақат ўз соҳасигина эмас, бошқа ёндош соҳалардан ҳам бирдек воқиф, сўзи ҳикмат тўла мураббийлари бор. Бундай инсонлар ўғитини олган, сабоғини, одамийлик қирраларини ўзлаштирган авлод эса асло кам бўлмайди.

Нодирбек АБДУРАЗЗОҚОВ,
фахрий муаллим

Эҳтиром

Қашқадарё
вилояти

Шаҳарлик муаллима

Чарос Умарова шаҳарда туғилиб ўсган. Бугун ҳам Қарши шаҳрида яшайди. Аммо Қашқадарё туманидаги Гулшан қишлоғидаги 44-умумтаълим мактабиди ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ беради. Қатнаб ишлайди. Олис йўл босиб... Ўз истаги билан... Бундан олдин эса тўрт йил Касби туманидаги 3-умумтаълим мактабиди ёшларга сабоқ берган.

– Фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, – дейди муаллима, – шаҳар ва қишлоқ болаларининг ўқишга қизиқишида фарқ катта экан. Яъни, қишлоқ ўғил-қизларида илмга чанқоқлик ҳисси анчайин юқори. Касбиди тўрт йил ишладим. Шу давр мобайнида ўқувчиларим инглиз тилида мустақил матн туза оладиган, ўзаро суҳбат қурадиган бўлишди.

– Ҳамма бола ҳам инглиз тили фанига қизиқармайди. Масалан, бир ўқувчи фақат математикадан яхши ўзлаштиради. Бундай вазиятда нима қиласиз?

– Унга математикадан

саволлар бериб, хорижий тилни ўргатиш мумкин. Дарсларни бир хил тарзда ўтиш инглиз тилига қизиқмайдиганлар тугул, қизиқувчиларни ҳам зериктиради. Шу боис, ноанъанавий усуллардан кўпроқ фойдаланаман. Масалан, биринчи синф ўқувчиларига «тез айтиш»лар айттираман. Бу орқали нутқи раван бўлади, инглиз тилида талаффузини оширади. Ёки қисқа шеърлар ҳам боланинг нутқини тез ўстиради. Ўйинлар, турли мусобақалар уюштириш учун доимий равишда кўргазмалар куроллар тайёрлайман, дарс ишланмалари ишлаб чиқаман...



– Янги иш жойингиздаги муҳит қандай экан?

– Яхши. Зеҳни ўткир болалардан нафақат биз – ўқитувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам қувонишмоқда. Буни «Зукко болалар» жамғиараси, «Тилни тез ўргана» каби тадбирларимизда қатнашган ота-оналарнинг мамнунлигидан билиб олиш мумкин. Болажонлари-

миз «Ҳаракатлар стратегияси»даги бешта устувор йўналишни ҳам инглиз тилида сўзлаб бера оляпти... Президентимиз бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Ҳатто узоқ ҳудудларга қатнаб ишлайдиган ўқитувчилар маошига қўшимчалар қўшилиши белгиланди. Бу рағбатлантирувчи тўловлар, албатта, оилавий бюджетимизни мустақамлаш билан бир қаторда бизни янада масъулият билан ишлашга ундайди.

– Шу кунларда Қарши шаҳридан расмон олиб келиб, инглиз тили синфига мос суратлар чиздириш ҳаракатида экансиз.

– Ўқувчи дарс жараёнида бутун борлиқни унутиб, ўзини ўтилаётган мавзу оламига тушиб қолгандек ҳис қилиши лозим. Ана шунда берилаётган сабоқларни қизиқиб, тез ва осон ўзлаштиради

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Ҳиссият

Устоз – муаллимсиз
қолганда замон,
Нодонликдан
қаро бўларди жаҳон.

Абдурахмон ЖОМИЙ

ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Соҳада фаолият юритаётган барча
юртдошларимизни умумхалқ байрами –

**1 октябрь – Ўқитувчи ва
мураббийлар кун**

билан самимий муборакбод этади!

Шу улуғ айём кунларида барчанинг кўнглидан
ҳазрат Алишер Навоийнинг машҳур сатрлари бот-бот айланиб,
улар дилдан тилга кўчмоқда:

Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Дарҳақиқат, ҳар бир ўқувчисини ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси йўлида
кўз нури, қалб кўри, бутун борлигини бахш этадиган
устозлар том маънода фидойи касб эгаларидир.

Президентимиз раҳбарлигида таълим соҳасидаги ислохотлар, ўқитувчи ва мураббийларнинг қадрини
янада кўтариш мақсадида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар
барча-барчамизга чексиз мамнунлик бағишламоқда.

Азиз устозлар!

Сизларни байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сўҳат-саломатлик,
бахт ва омад, фаолиятларингизга муваффақият, хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик, файз-у барака тилаймиз.



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Устоз

Соҳибқирон ётар устоз пойида,
Жомийни пир тутган Навоий ҳазрат.
Устоз буюк деган буюк қоида
Бу қайтар дунёда азалий ҳикмат.

Афлотунга шогирд эди Арасту,
Ул шогирдга шогирд бўлди Искандар.
Бу олтин силсила давоми мангу,
Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар.

Борми мураббийдан бахтлироқ инсон,
Шогирдлари қилса юксакка парвоз.
Бошимизга тожсиз, бор бўлинг омон,
Табарруқлар ичра табарруқ устоз!

**Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз устозлар!**

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси Президентининг фармон ва
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва сақфаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳўдўдлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-90-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-90-55
Сўхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи
назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев

Мусаҳҳир:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Х. Абдужалилов

ЎЗА якуни – 02:10

Топширилди – 02:40

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Г – 1017.

27692 нускада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5